

## Умра зиёратига борувчилар энди 14 кун кутмайдилар



14:57 / 26.10.2021 1977

Саудия Арабистони Ҳаж ва умра вазирлигининг маълум қилишича, эндиликда умра зиёратига боришни хоҳловчи мусулмонлар аввалгидек рўйхатга ёзилиш учун 14 кун кутишлари шарт эмас. Бу ҳақда [haj.gov.sa](http://haj.gov.sa) сайти хабар берди.

Вазирликнинг режалаштириш ва стратегия бўлими бошлиғи Амир Мадданинг айтишича, коронавирус туфайли жорий этилган профилактик тадбирларнинг юмшатилиши натижасида умра зиёратига келувчилар учун кенг имкониятлар эшиги очилляпти.